



2018 йил «11» сентабр

№ 2325-қ

Пайариқ т, р. Пайарык

Пайариқ тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати, унинг таркибий бўлимлари тўғрисидаги Низомларни ҳамда бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2691-сонли қарорига мувофиқ вилоят ҳокимлиги бошқарув аппарати фаолияти самарадорлигини янада ошириш, уларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Қуйидагилар:

Пайариқ тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати тўғрисидаги Низом 1-иловага;

Пайариқ тумани ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Пайариқ тумани ҳокимлиги девонхонаси тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Пайариқ тумани ҳокимлиги иктисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлик қиладиган соҳалар тўғрисидаги Низом 4-иловага;

Пайариқ тумани ҳокимлиги саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари ўринбосари раҳбарлик қиладиган соҳалар тўғрисидаги Низом 5-иловага;

Пайарик тумани ҳокимлиги инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлик қиладиган соҳалар тўғрисидаги Низом 6-иловага;

Пайарик тумани ҳокимининг кишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари раҳбарлик қиладиган соҳалар тўғрисидаги Низом 7-иловага;

Пайарик туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари раҳбарлик қиладиган соҳалар тўғрисидаги Низом 8-иловага;

Пайарик тумани ҳокимилиги хотин-қизлар кўмитаси тўғрисидаги Низом 9-иловага;

Пайарик тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати ходимларининг функционал вазифалари тақсимоти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг ўринбосарлари, таркибий бўлимлари, бошқарув аппарати ходимлари ушбу қарор билан тасдиқланган Низомлар ва функционал вазифалар тақсимоти талабларига тўлиқ риоя этсинлар.

Белгилаб қўйилсинки, Низомлар ва функционал вазифаларга риоя этилмаслиги уларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чоралари қўлланилишига асос бўлиб ҳисобланади.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш бўйича таклифлар киритсинлар.

3. Туман ҳокимининг 2017 йил 1 майдаги 95-Ф-сонли фармойиш ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Туман ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (Ш.Формонов) туман ҳокимлиги бошқарув аппаратининг барча ходимларини ўз вазифалари билан таништирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.



А.Жўраев